



Тошкент

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

Оқшом

№ 108 (8.998)

1997 йил

19 сентябрь, жума

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон — Италия: ҳамкорликнинг янги босқичи

Хабар қилинганидек, 17 сентябрь кuni Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продини Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Кутиб олувчилар орасида Италиянинг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси Иоланда Брунетти Гоетц ҳам бор эди.

Олий мартабали меҳмон ва унга ҳамроҳлик қилувчи кишилар жойлашган автомобиллар карвони «Дўрмон» қароргоҳи томон йўл олди. Бу ерда Италия Вазирлар Кенгаши Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамда Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продини шохсупага кўтарилдилар. Хар икки мамлакатнинг Давлат мадҳиялари янгради. Ислам Каримов ва Романо Продини фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов билан Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг яқма-яқма суҳбати бўлди. Унда Ўзбекистон — Италия муносабатларининг ҳозирги даражаси ва истиқбол, шунингдек, Марказий Осиё ҳамда Ўрта Ер денгизи ҳавзасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар, халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари бўйича фикрлашиб олинди. Белгиланган вақтдан анча узоқ давом этган мулоқот якунида томонларнинг нуктаи назари кўп жиҳатдан ўхшаш экани ҳамда муҳима қилган масалалар юзасидан тўла келишувга эришилгани қайд этилди.

И.Каримов ва Р.Продининг юзма-юз суҳбати ниҳоятга етгач, Ўзбекистон ва Италия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибидagi музокаралари бошланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ҳукумати дунёдаги сановат ривожланган давлатлар орасида учинчи



ўринини эгаллаб турган Италия билан хар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга катта эътибор беришини таъкидлаб, ўзининг ушбу мамлакат Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Продини билан Флоренцияда бўлиб ўтган илгариги учрашувига тўхталди.

— Флоренциядаги учрашувимиз мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги сиёсий мулоқотларни бошлаб берди. Хусусан, шу йил май ойида Ўзбекистонга Италия Президенти Оскар Шкарфоро ташрифи буорди. Ушбу ташриф асосида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи қатор ҳужжатлар имзоланди.

Музокараларда мамлакатимиз раҳбари Италия Вазирлар Кенгаши Раисига Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган қисқа вақт ичида қўлга киритилган ютуқлар, республикамизнинг иқтисодий ва ақлий салоҳияти ҳақида гапирди. Таъкидлаш керакки, республикамизда тўб ўзгаришлар бошланган 1991 йилдан то бугунгача амалга оширилган ишлар Италия делегациясида катта таассурот қолдирди. Хусусан, макроиқтисодий барқарорлик, сармояларнинг салмоқли қисми ички маблағлар ҳиссасига тўғри келаётгани, яъни миллий маҳсулот кўрсаткичининг юқорилай бошлагани, қолаверса, галла, ёқилги мустақиллиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар Италиялик меҳмонларнинг мактовига сазовор бўлди. Иқтисодий тўхтов сўхасида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирар экан, Президент Ислам Каримов «ЎздЭУавто» «Зарафшон-Ньюмонт» каби қўшма корхоналар, Бухородаги

нефтни қайта ишлаш заводи ва хориқлик ҳамкорлар билан биргалиқда ишга туширилган қўлгина бошқа муҳим иншоотларни тилга олиб, бу борада Ўзбекистон Италия ишбилармонлари учун ҳам хар томонлама мақбул мамлакат эканини таъкидлади.

Музокараларда бош мавзусу — Ўзбекистон — Италия муносабатлари асосий ўринини эгаллади. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларимиз ҳусусида сўзлар экан, Президент Ислам Каримов Италия раҳбариятининг халқаро сиёсат майдонидаги саъй-ҳаракатларини, жумладан, Италиянинг БМТ хавфсизлик кенгашини кенгайтириш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашини билдирди.

— Биз Европа иттифоқи ва НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳам Италия билан алоқаларини мунтазам ривожлантириш тарафдоримиз, — деди Ислам Каримов, жумладан. — Бундан ташқари халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик ҳамда наркотик моддалар ва қурол-яроқ контрабандасига қарши курашда Италияни муҳим ҳамкорлардан деб биламиз.

Музокараларда 1996 йилда Ўзбекистон билан Италия ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 142 миллион АҚШ долларини ташкил этгани қайд этилиб, келгусида бу кўрсаткични янада ошириш билан боғлиқ масалаларга ҳам ўрин берилди. Бу борада Ислам Каримов энгил сановат, ёғочни қайта ишлаш, телекоммуникация, қишлоқ ҳўжалиги, банк-молия тизими ва бошқа кўллаб соҳаларда ҳамкорлик учун кўп имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Ўзбекистонда Италия ишбилармонлари

га нисбатан алоҳида эҳтиром билан қаралиши ҳамда уларнинг малакали ва ишончли ҳамкорлар сифатида қабул қилинишини айтди.

Музокараларда Романо Продини Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги хизматлари ҳамда мамлакатларимизнинг ташқи сиёсатига юқори баҳо берди.

— Сиз юртайётган сиёсат, — деди Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Ислам Каримовга юзланиб, — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тугган йўлга тўла мос келадиган, Марказий Осиё ўзининг жуғрофий жойлашув, табиий бойлиқлари билан дунё харитасида муҳим ўринини эгаллайди. Бу минтақда қўллаб йирик давлатларнинг манфаатлари кесишадиган. Шу боис, минтақда барқарорликни сақлаш ишга қўшаётган хиссангиз гоят муҳим.

Р. Продини кунча-кунча Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё» ядро қуролдан холи зона» мавзусидаги конференцияга тўхталиб, ушбу анжуман нафақат минтақавий, балки дунёвий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам эканини айтди.

Италия Вазирлар Кенгаши Раиси ўз мамлакатининг иқтисодий салоҳияти ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик учун мавжуд имкониятлари ҳақида сўзлаб, жумладан бундай деди:

— Италия иқтисодида кичик ва ўрта бизнес муҳим ўрин тутди. Уларнинг барчаси малакали мутахассис ва энг илгор технологияга эга. Ўзбекистон билан ҳамкорлик учун йирик фирмалардан ташқари, кичик ва ўрта бизнес вакилларини ҳам жалб қилиш мумкин. Аминманки,

бу ўзаро муносабатларда кескин бурилиш ясаиди. Биз Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонга алоҳида эътибор қаратамиз. Чунки, биз Ўзбекистонни ушбу минтақадagi етакчи давлат, деб ҳисоблаймиз.

Романо Продини Италия Ўзбекистон билан сайёҳлик, мрамарни қайта ишлаш соҳаларида ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга таяёр эканини маълум қилди. Шунингдек, Ислам Каримовнинг Римда Ўзбекистон элчихонасини очиб ҳақиқий фикрини мамнуният билан қабул қилганини айтди.

Музокаралар сўнгида Р. Продини мамлакатимиз раҳбарини Италия расмий ташрифи буюришга таклиф қилди ва мазкур учрашунинг дўстона муҳитда ўтишини таъминлагани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Италия Республикаси ҳукумати ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ҳамда Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продини имзолалди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоятга етгач, Ислам Каримов ҳамда Романо Продининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида Романо Продини Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамда бошқа расмий кишилар ҳамроҳлигида Ўзбекистон миллий боғига ташриф буюрди. Бу ерда олий мартабали меҳмон шериат мулкнинг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Шунингдек, олий мартабали меҳмон, Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов ҳамроҳлигида пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасига ташриф буюрди. Бу ерда Ўзбекистон Бош вазири ва Италия Вазирлар Кенгаши Раисининг икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув сўнгида Тошкент вилояти ҳокимлиги билан Италиянинг «Фата» компаниялари гуруҳи ўртасида Тошкент вилоятида агро-сановат мажмуини ривож-

лантириш бўйича дастурни амалга ошириш тўғрисида, Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги билан Италиянинг «Стет Телеком Интернешнл» компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Италиянинг «Коммерциале Италиано» банки ўртасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Шу кун Р. Продини Темуррийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари ҳақида хикоя қилувчи нодир экспонатларни кўздан кечирди.

18 сентябрь кун «Дўрмон» қароргоҳида Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продини расмий кузатиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продини шохсупага кўтарилдилар. Хар икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ислам Каримов ва Романо Продини фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Шу билан Италия Вазирлар Кенгаши Раиси ташрифининг расмий қисми ниҳоятга етди. Р. Продини Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов ҳамроҳлигида кўча Самарқандга жўнаб кетди.

Самарқанд аэропортида меҳмонларни вилот ҳокими Алишер Мардиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Продини қадимий Самарқанд шаҳридаги бир-биридан мафтункор осори-атиқалар ва тарихий обидаларини ҳайрат билан кўздан кечирар экан, ўзбек халқи ўз тарихий ёдгорликлари, бой маданий меросига юксак эътиборда эканидан мамнуният ҳосил қилганини айтди. Тиллакорни мадрасаси саҳнада ташкил этилган халқ амалий санъати бўмларни кўргазмаси ҳамда фольклор-этнография дасталари ижросидаги концерт дастури ҳам италиялик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Шу кун Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Продини ватанга жўнаб кетди.

(ЎЗА).

СУРАТДА: ҳужжатларни имзолаш пайтида.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Эроннинг Афғонистон масалалари бўйича махсус вакили Алоуддин Бўружердийни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислохотларни давом эттириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра «Ўзбекистон маиший хизмат кўрсатиш тизимида, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мавжуд ҳудудий уюшмалари ҳамда маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман (шаҳар) уюшмалари сақлаб қолинадиган бўлди.

Кеча Чирчиқдаги ўқув марказида «Марказий Осиё батальони — 97» кўп миллатли кучлар иштирокидаги машқлар тантанали суратда очилди. Президент Ислам Каримов бу машқлар иштирокидаги табрик йўллади.

Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг рафиқаси Флавия Франко 17 сентябрда Президент ҳузуридagi давлат ва жамият қурилиши академияси, Темуррийлар тарихи давлат музейи, «Усто» бадий саломи ва амалий санъат музейида бўлди.

Кеча Вазирлар Мақамасида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлисида ушбу санага қўрилаётган ҳозирлик тўғрисида бу шаҳарлар раҳбарлари, бошқа мутахассисларнинг ахборотлари тинланди.

Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган гуруҳлар ўртасида 18 сентябрь кун бўлиб ўтган тўқнашувлар чоғида 10 та реактив снаряд Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани ҳудудида тушиб портлади, оқибатда республикамизнинг 3 нафар фуқароси жароҳатланди. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Ташқи ишлар вазирлиги мазкур ҳодисанинг барча тафсилотларини аниқлаш ва бундай ҳоллар такрорланшига йўл қўймайлик учун зарур чораларни кўрмоқда.

Бугундан эътиборан «Давлат солиқ хизмати» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритилди.

«Тошкент трактор заводи» давлат акционерлик жамияти бош конвейеридан АҚШнинг «Камминг» фирмаси двигателлари ўрнатилган 92 от кучли 1001-трактор тўшди. Корхона жамоаси қишлоқ меҳнатқашларига йил охиригача яна ана шундай 1000 та трактор етказиб беради.

Риштон туманининг Хуррамобод қишлоғида йилга 40 минг тонна хом ашёни қайта ишлаш қувватига эга бўлган янги пахта тозалаш заводи ишга тушди.

«Камолот» жамғармасининг 1997 йилги лауреатлари бўлган тошкентлик ёш ҳуқуқдон Гулчехра Маткаримова, сурхондарёлик зобит Музафар Одилов, пойтахтдаги «Нурон ЛТД» фирмасининг раҳбари Леонид Цой, самарқандлик физик олим Азиз Каримовга тантанали вазиятда мукофотлар топширилди.

ЖАХОНДА

Президент Борис Ельцин Россия 1999 йилдан бошлаб Халқаро валюта фонди ёрдамидан воз кечиши тўғрисида кеча баёнот берди.

Ослода жаҳоннинг 90 тадан кўпроқ мамлакат вакиллари пиёдаларга қарши миналарни тайёрлаш ва ишлашнинг маън этиш тўғрисидаги халқаро ахдлашунинг узил-кесил матнини қабул қилдилар.

Японияда шу йил бошидан буён 10 минг 445 та компания синди. Уларнинг кредиторларга умумий қарзи 68 миллиард АҚШ долларига яқини ташкил этди.

Норвегиянинг Шпицберген оролидаги кўмир қонида метан гази портлаши оқибатида бу ерда ёлланиб ишлаётган 13 та рус ва украин кончиси ҳалок бўлди, 10 киши эса қўчки остида қолди.

Кеча Чеченистонда 5 минг нафарга яқин одам кўз ўнгига олий шариат суди ҳўқмига кўра яна икки жиноятчи отиб ўлдирилди. Чеченистон Бош вазирининг ўринбосари Мавлади Удугов жиноятчиларни одамлар кўзи олдида бундай қатл этиш сўнги бор ижро этилганлигини айтди.

АҚШ конгрессининг бир гуруҳ аъзолари ўз астронавтлари Вулфинг француз Кретьен билан 25 сентябрь кун «Мир» орбитал станциясида тадқиқотлар ўтказиш учун космосга парвоз қилишга қарши эканликларини баён этдилар. Уларнинг фикрича, Россиянинг «Мир» орбитал станциясида сўнги пайтда юз бераётган кетма-кет авариялар астронавтлар хавфсизлигига жиддий хавф солиши мумкин.

Қоҳирада террорчилар Германия сайёҳлари бўлган автобусга ёнувчи моддалар ишқаларини улоқтиришлари оқибатида 9 киши ҳалок бўлди, 8 киши жароҳатланди.

Киевда Запорожье автомобил заводи негизига Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорациясининг 5 рўсумдаги автомобилларини йиғиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу янги қўшма корхона йилга 230 мингта автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Кеча Хитой Коммунистик партиясининг XV съезди ниҳоятга етди. Унда қабул қилинган қарорлар Хитойда марҳум Дэн Сяопеннинг ислохотларини изчил давом эттиришга қаратилган.



Бугун «Ўзэкспомарказ»да уч кун мобайнида одамлар билан гавжум бўлган «Марказий Осиё» чарм ва тўқимачилик сановати маҳсулотлари — 97» иккинчи халқаро кўргазмаси ўз ишини ниҳоятга етказди. Маълумки, бу кўргазма «Fairtrade» компаниясининг «Ўзэкспомарказ» билан биргалиқда ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» ассоциациясининг қўллаб-қувватлаши остида ташкил этилган эди. Кўргазма кўпчилигининг диққатини ўзига тортди. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки кўргазмалар павильонида жаҳоннинг 12

Кўргазмалар
**МАҚСАД —
ЮКСАК
СИФАТЛИ
МАҲСУЛОТ**

мамлакатидagi 52 компания ўз экспозицияларини намойишга қўйди. Айниқса Германия, Япония ва Чехиянинг дунёга машҳур фирмалари кўргазмага энг кўп миқдордаги экспозицияларни олиб келдилар. Шунингдек керакки, бугунги кунда Ўзбекистон энгил сановати техника жиҳатдан қайта жиҳозланмоқда, янги технологиялар жорий этилмоқда. Ушбу тармоқда хорижий сармоялар жалб этилмоқда. Ана шу жиҳатдан олганда бу кўргазма мутахассисларга нафақат энг яхши маҳсулот намуналарини билан танишиш, шу билан бирга ўзаро фикр айирибошлаш ва келгусида ҳамкорликда фао-



циянинг ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиги А. У. Поповский. — Юксак ва самарали усқуналарда тайёрланаётган 25 минг тоннадан зиёд калавага хорижда ҳам талаб катта. Замонавий линиялар 25 миллион метрдан ортққ газлама ва 30 миллион метр трикотаж матосини тайёрлаш имконини бермоқда. Тармоқда италия, турк, немис шериклар билан 12 та қўшма корхона ташкил этилган. Бу корхоналарда тўқимачилик ва пойабзал маҳсулотларини тайёрламоқда. Бу борадаги истикболлар янада порлоқдир. Агар ўтган йили Ўзбекистон энгил сановатига хорижий сармояларни жалб этиш 35 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу йил бу рақам 110 миллион долларга етади. Бинобарин бугунги кунда республика олдида ўз хом ашёсини ишлашнинггина эмас, балки ундан юксак сифатли маҳсулотлар тайёрлаш асосида ривожланган сановати яратишини мақсад қилиб қўйган экан, бунда ташкил этилаётган халқаро кўргазмалар, замонавий техника, илгор технологияни таклиф этаётган ишончли шерикларнинг ҳам муносиб улуши бўлади. СУРАТЛАРДА: «Ўзэкспомарказ»даги кўргазмада. Рашид Галиев олган суратлар.

Теннис
**ДЭВИС КУБОГИ:
ЎЗБЕКИСТОН —
ФИЛИППИН**

Республикамиздан ҳали Президент Кубоги мусобақаларининг шўқуқи кетмай туриб шаҳримизда теннис бўйича яна бир йирик ва нуфузли турнир — Ўзбекистон ва Филиппин теннисчилари ўртасида терма жамоалар ўртасида норасмий жаҳон чемпинати ҳисобланмиш Дэвис Кубоги учун беллашувлар бошланмоқда. БУГУН дастлабки беллашувада Ўзбекистон терма командасининг биринчи ракеткаси Олег Гордодов Филиппинлик иккинчи ракетка Брайан Юнью билан ўзаро кўч синашадиган. Мохир катта рақатка усталиш Дмитрий Томашевич эса Филиппиннинг энг кучли теннисчиси Жозеф Лизардо билан беллашадиган. ЭРТАГА ҳуфтлик мусобақалари бўлиб ўтади. Унда Огородов — Томашевич жуфтлиги Филиппинлик Анжело — Юнью жуфтлиги билан баҳр юртайдилар. 21 сентябрь — якуловчи кунда ҳал қилувчи беллашувлар бўлиб ўтади. Шу кун ўтказилган Олег Огородов ва Жозеф Лизардо, Дмитрий Томашевич ва Брайан Юнью ўртасидаги беллашувлар мусобақага яқин ясаиди. Ҳали ҳамма Осиё — Океания ҳудудидаги ҳал қилувчи финал беллашувларига йўлланма олади. ДИШДА ИСМОИЛОВ.

II Марказий Осиё уйинлариди
**БОКСЧИЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТ**

Авал хабар берганимиздек, Алматы шаҳрида ўтаётган II Марказий Осиё уйинлари Беллашувларида ўзбекистонлик боксчилардан 11 киши финалга чиққан эди. Дарҳақиқат чарм қўлқоп усталаримиз рингда ажойиб зафар кучдилар. Терма жамоамизнинг 12 аъзоси 12 та медаль соҳиб бўдилар. Дилшод Йўлдошев, Тўлқин Турғунов, Махаматқодир Абдуллаев, Дилшод Ербеков, Сергей Михайлов ва Руслан Чагаевлар командамизга олтин медаль келтиришди. Алишер Раҳимов, Темур Тўлоқов, Темур Сулаймонов, Ўткир Ҳайдаров ва Лазиз Зокировларга «кумуш» насаб этди. Кувон Тўғрунов эса бронза медалга соҳиб бўлди. Шундай қилиб бокс бўйича Ўзбекистон терма командаси умумкоманда ҳисобида биринчи ўринга муяссар бўлди. Алматыдаги учрашувларда юртдошларимиз спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам ўларнинг юксак маҳоратларини кўрсатмоқдалар. Эркин кувонда 85 килограммга вази тоғида галабага эришган Руслан Хинчагов командамиз «ҳазина»сига яна бир олтин медаль туғфа этди. Унинг қони финалга чиққан эди. Дарҳақиқат чарм қўлқоп усталаримиз рингда ажойиб зафар кучдилар. Терма жамоамизнинг 12 аъзоси 12 та медаль соҳиб бўдилар. Дилшод Йўлдошев, Тўлқин Турғунов, Махаматқодир Абдуллаев, Дилшод Ербеков, Сергей Михайлов ва Руслан Чагаевлар командамизга олтин медаль келтиришди. Алишер Раҳимов, Темур Тўлоқов, Темур Сулаймонов, Ўткир Ҳайдаров ва Лазиз Зокировларга «кумуш» насаб этди. Кувон Тўғрунов эса бронза медалга соҳиб бўлди. Шундай қилиб бокс бўйича Ўзбекистон терма командаси умумкоманда ҳисобида биринчи ўринга муяссар бўлди. Алматыдаги учрашувларда юртдошларимиз спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам ўларнинг юксак маҳоратларини кўрсатмоқдалар. Эркин кувонда 85 килограммга вази тоғида галабага эришган Руслан Хинчагов командамиз «ҳазина»сига яна бир олтин медаль туғфа этди. Унинг қони финалга чиққан эди. Дарҳақиқат чарм қўлқоп усталаримиз рингда ажойиб зафар кучдилар. Терма жамоамизнинг 12 аъзоси 12 та медаль соҳиб бўдилар. Дилшод Йўлдошев, Тўлқин Турғунов, Махаматқодир Абдуллаев, Дилшод Ербеков, Сергей Михайлов ва Руслан Чагаевлар командамизга олтин медаль келтиришди. Алишер Раҳимов, Темур Тўлоқов, Темур Сулаймонов, Ўткир Ҳайдаров ва Лазиз Зокировларга «кумуш» насаб этди. Кувон Тўғрунов эса бронза медалга соҳиб бўлди. Шундай қилиб бокс бўйича Ўзбекистон терма командаси умумкоманда ҳисобида биринчи ўринга муяссар бўлди. Алматыдаги учрашувларда юртдошларимиз спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам ўларнинг юксак маҳоратларини кўрсатмоқдалар. Эркин кувонда 85 килограммга вази тоғида галабага эришган Руслан Хинчагов командамиз «ҳазина»сига яна бир олтин медаль туғфа этди. Унинг қони финалга чиққан эди. Дарҳақиқат чарм қўлқоп усталаримиз рингда ажойиб зафар кучдилар. Терма жамоамизнинг 12 аъзоси 12 та медаль соҳиб бўдилар. Дилшод Йўлдошев, Тўлқин Турғунов, Махаматқодир Абдуллаев, Дилшод Ербеков, Сергей Михайлов ва Руслан Чагаевлар командамизга олтин медаль келтиришди. Алишер Раҳимов, Темур Тўлоқов, Темур Сулаймонов, Ўткир Ҳайдаров ва Лазиз Зокировларга «кумуш» насаб этди. Кувон Тўғрунов эса бронза медалга соҳиб бўлди. Шундай қилиб бокс бўйича Ўзбекистон терма командаси умумкоманда ҳисобида биринчи ўринга муяссар бўлди. Алматыдаги учрашувларда юртдошларимиз спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам ўларнинг юксак маҳоратларини кўрсатмоқдалар. Эркин кувонда 85 килограммга вази тоғида галабага эришган Руслан Хинчагов командамиз «ҳазина»сига яна бир олтин медаль туғфа этди. Унинг қони финалга чиққан эди. Дарҳақиқат чарм қўлқоп усталаримиз рингда ажойиб зафар кучдилар. Терма жамоамизнинг 12 аъзоси 12 та медаль соҳиб бўдилар. Дилшод Йўлдошев, Тўлқин Турғунов, Махаматқодир Абдуллаев, Дилшод Ербеков, Сергей Михайлов ва Руслан Чагаевлар командамизга олтин медаль келтиришди. Алишер Раҳимов, Темур Тўлоқов, Темур Сулаймонов, Ўткир Ҳайдаров ва Лазиз Зокировларга «кумуш» насаб этди. Кувон Тўғрунов эса бронза медалга соҳиб бўлди. Шундай қилиб бокс бўйича Ўзбекистон терма командаси умумкоманда ҳисобида биринчи ўринга муяссар бўлди. Алматыдаги учрашувларда юртдошларимиз спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам ўларнинг юксак маҳоратларини кўрсатмоқдалар. Эркин кувонда 85 килограммга вази тоғида галабага эришган Руслан Хинчагов командамиз «ҳазина»сига яна бир олтин медаль туғфа этди. Унинг қони финалга чиққан эди. Дарҳақиқат чарм қўлқоп усталаримиз рингда ажойиб зафар кучдилар. Терма жамоамизнинг 12 аъзоси 12 та



ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАДИ

«Юлдуз» тикувчилик ҳиссадорлик жамияти 3-цеҳига жамият бошқарув раиси Абдуваҳоб Тошпўлатов ва касабани уюшмаси раиси Қумри Маҳмудовалар кириб келишди. Цеҳ бошлиғи Ҳабиба Абдуҳолиқова ишчилардан бир зум ишнинг тўхтаб туришларини сўради.

Абдуваҳоб Тошпўлатов цеҳ ишчиларини байрам билан табриқлади ва мақсадга ўтди: — Байрам билан бирга сизларнинг жамоангизга яна бир қувонч кириб келди. Ҳамкасбингиз, кўп йилдан буён шу жамоада ўзининг ибратли меҳнати билан танилган Дилбар Тоҳированинг меҳнатлари республикамиз ҳукумати томонидан муносиб тақдирланди. У кишига шарафли унвон — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган сановат ходими унвони nasib этди. Буни, албатта, барча цеҳ тикувчиларининг ютуғи, қувончи деб биламиз.



Ҳамкасбларнинг ҳам юзида шодлик акс этди. Барча Дилбархонни табриқлай кетди... «Дарахт бир жойда кўкаради» — дейди доноларимиз. Дилбар Тоҳирова ҳам бир жойда унвон-усиб, обрў орттирган инсонлардан. 1972 йилда шахримиздаги 5-хунар-техника билгим юртини битирган Дилбар тўғри шу корхонага шогирд бўлиб ишга келди.

— Узингда кунт ва ўқув бўлса, билмаганларингни сўраб ўрганишдан эринмасанг, — дейди чевар биз билан суҳбатда, — ҳар қандай ишни уйдalasа бўлар экан. Бу ерга ишга келганимда тикувчиларнинг чаққон ҳаракатларини, ишни бир зумда бажаришларини кўриб бир томондан хайрон бўлган бўлсам, иккинчи томондан мен ҳам улардай ишлаш учун ҳар бир ҳаракатни ўқиб олишга интилдим. Анна Алпатова деган катта устамиз бўларди. У киши менга устозлик қилдилар. Уларнинг тажрибаларини эринмай ўргатдилар. Улар доимо: «Тиккан нарсанга кўз нурунгни тўқилептири, ўша кўз нуруннинг зое кетмаслиги учун озгина қалб кўринганда кўз нурунни юборсанг, кийганинг ҳам дили йрайди, ўзинг ҳам қувонасан» деб таъкидлардилар. Устозлар ўғитишга қулоқ тутиб ҳам бўлмадим.

3-цеҳда 150 нафар тикувчи меҳнат қилади. Бу цеҳга энг масъулиятли ишлар ишониб топширилади. Бир кунда тикувчилар 360 та эркаклар костюм-шимини тайёр ҳолга келтиришади. Тайёр маҳсулотнинг сифати тикиб бўлинган эмас, балки тикиш жараёнида ҳам назоратчилар томонидан синчиқлаб текширилади. Дилбар Тоҳированинг бажараётган иши назоратчилар томонидан доимо яхши баҳоланади. У энг масъулиятли ва мураккаб ишни — костюмларга чўнтак тикиш жараёнини амалга оширади. Дилбар — гаруҳ бошлиғи, унда 12 тикувчи меҳнат қилади. Бугун Дилбар уларга яқин кўмакдош, дугоналарига маслаҳатчи, шогирдларидан эса ўз тажрибаларини аямайди. Мухтабар Нуриддинова, Дилором Ориповалар моҳир тикувчининг севимли ва ишончли шогирдлари саналади.

— «Меҳнат қилган — элда азиз» деган ҳалқимизнинг жуда ўринли гапи бор, — дейди цеҳ бошлиғи Ҳабиба Абдуҳолиқова. — Мана буни Дилбар Тоҳирова мисолида кўришимиз мумкин.

Дилбар Тоҳирова бошқараётган Германиянинг янги тикув машинасига яқинлашамиз. У ҳеч нарсага чалғимайди: ўткир нигоҳи, чаққон қўл ҳаракатлари тикаётган ишига қаратилган. Биз ҳам унинг ишини кузатдик. — Дилбархон мана шунақа меҳнатсевар бўлиш билан бирга жуда камтарин аёл, — дея унга таъриф берди хиссадорлик жамияти касабани уюшмаси раиси Қумри Маҳмудова. — Мен шу жамоада неча йил ишлаган бўлсам, у ҳаммаша ҳамкасбларига ўрнак, моҳирлиги билан илғор. Хуллас, у жамоанинг фахри. Унвон эса ҳақиқий эгасини топиб берилган.

Ҳа, Дилбар Тоҳирова меҳнатидан кадр топди, ҳурмат қозонди ва ал озгина тушди. Тўнғич фарзандларининг қувончига шерик бўлиш ниятида унинг хонадонига келган Дилбарнинг ота-оналари — Нури ая ва Шуқурхўжа оталар, ака-ука ва опа-сингиллар, барча оила аъзолари у билан фахрландилар, унга омад тиладилар.

Шарифа ИЛЁСОВА.
СУРАТДА: Дилбар Тоҳирова иш устида.
Рашид Галиев олган сурат.

КЕЧА
1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг бўлажак шифокор талабалар билан гавжум хиббони хар қачонгидан файзли бўлди. Бу ерга эрта тонгда отахон ва онахонлар тўпланишди. Булар кимлар экан, деб сўрасиз.

Улар бундан 55 йил муқаддам, яъни 1942 йилнинг кузида Тошкент Давлат тиббиёт институтини битирган 600 нафардан зиёд собиқ талабалар, ёш мутахассислардан шу бугунги истиқлол кунларига етиб келган атиги 60 га яқин тиббиёт ходимлари эдилар.

Ҳаётнинг нозик ва мураккаб ўша ўттизинчи-қирқинчи йилларида турли миллат фарзандларидан ташкил топган бу собиқ талабалар тиббиёт билгим юрти, ишчилар факультети ҳамда институтда бир оила аъзоларидек дўст, ахил, иттифоқ бўлиб бирга ўқишган, ҳаёт уммонида жушқин жавлон уриш, тинч, осуда, бахтли турмуш кечириш, дилларига тугиб қўйган эзгу орзуларига етишиш иштиёқида бўлган оловқалб, шижоаткор эдилар. Бироқ, тўсатдан бошланган иккинчи жаҳон уруши улларнинг орзу-истаклари йўлига тўғаноқ бўлди. Уша йили институтни тезкорлик билан тугатган аксарият йигит-қизлар куёвлик ва келинлик либосларини бир чекага йиғиштириб, жангоҳларга, фронт ортидаги жанговар, оловли нуқталарга сафарбар этилдилар. Уларнинг ҳар бири жанг майдонларида қон ва сув кечириб, мамлакат ортида кечани кеча, кундузни кундуз демая, ўз муқаддас бурчларига содиқ қолиб, мардлик ва жасорат наму-

БОҒЧА НЕГИЗИДА ЛИЦЕЙ

Юнусобод тумани ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликда фойдаланилмаётган боғча негизда уни бутунлай қайта таъмирлаб, замонавий талабаларга жавоб берадиган янги 325-шарқшунослик лицейини фойдаланишга топширди.

Мазкур лицей 220 ўқувчи таълим беришга мўлжалланган бўлиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Билан даргоҳида Япония, Хитой, Корея, Арабистон, Ҳиндистон ва бошқа шарқ мамлакатлари тили, иқтисодиёти, тарихи босқичма-босқич ўргатилади. Лицейда ўқишни хоҳлаган ўқувчилар шу йилнинг 17 сентябригача ҳужжатларини ўқишларидан ажралмаган ҳолда топширишлари мумкин. Суҳбат ва тест синовлари ҳам шанба, яқшанба кунлари ўтказилади.

— Мутахассислар масаласи бўйича Тошкент Давлат институти билан шартнома асосида ўқитувчилар тақлиф қилинмоқда, — деди биз билан суҳбатда лицей директори Шавкат Орипов. — Шунингдек, келажакда институтнинг моддий-техника базаси ҳамда услубий тавсиялари асосида иш олиб борилади. Элчихоналар билан алоқани мустаҳкамлаб ўқувчи ва ўқитувчиларни ўқишга ва тажриба алмашишга юбориш ишларини йўлга қўймоқчимиз. Тилни мукамал ўрганишда эски услублардан воз кечириб, ноанъанавий усулларни қўллаш ниятидамыз. Бунинг учун имкониятларимиз бор. 12 та лингвон ҳамда компьютер хоналаримиз ўқувчилар ихтиёрида бўлади.

Уларни дарсдан бўш вақтларини унумли ўтказиш учун ҳам барча шароитлар мавжуд.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат бойлиқларидан унумли фойдаланиш, шунингдек, табиатни келажак авлодлар учун покиза сақлаш каби масалалар бутун инсоният учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шаҳримизнинг Чилонзор туманида ўнлаб йирик чиқариш корхоналари мавжуд. «Совгелисталь», 8-темир-бетон буюмлари заводи, «Шарқ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Алгоритм», «Интегратор» ва бошқа бир неча йирик корхоналар ишлаб турибди. Бу корхоналарнинг мамлакатимиз иқтисодида катта ўрин тутиши ҳаммамизга маълум. Аммо улларнинг шаҳар экологиясига жиддий таъсир кўрсатаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Туманда ўтган ярим йил ичида 38 корхона текширилди. Натижада 17 шахсага 20 минг сўм миқдорда жарима солинди. Эшудил билан бажарилиши керак бўлган 82 та чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Уларнинг 67 таси бажарилган ҳолос.

Тумандаги баъзи корхоналар атмосфера ҳавосига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шу йилнинг май ойида «Совгелисталь» қўшма корхонаси биринчи ҳудуддаги электр ус-

қиб этибди. Чилонзор туман турар жойлардан фойдаланиш бошқармаси билан биргаликда хонадонларнинг санитария ҳолати текширилганда чиқиндилар уюлиб ётгани ва айрим жойларда уллар қондага зид равишда ёндирилганлигининг гувоҳи бўлди.

Туман ҳудудидан Бўржар, Октепа, Анҳор ва Қонқус каналлари оқиб ўтади. Шу каналлар қирғоқларига майиш ва саноат чиқиндилари ташланмоқда.

«Бешёғоч» бозори атрофидаги маҳалалардан чиқадиган ахлатлар ёғинасидан оқиб ўтадиган «Анҳор» канали қирғоқларига ташланади. Бу лоқайдлик, биринчидан канални ифрослайтиди, иккинчидан канал атрофидаги хонадонларда яшайдиган аҳоли соғлиғига ҳавф тугдиради.

Чиқиндиларни олиб кетиш мавжуд тартиб-қоида асосида амалга оширилса, пойтахтимиз гузал ва покиза шаҳарга айланиши аниқ. Ҳамшаҳарларимиз шунини унутмасликларни керак.

Расул МҶМИНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчиси.

ЭЛЛИК БЕШ ЙИЛЛИК ДИЙДОР



наларини кўрсатдилар, ярадор ва беморларнинг дардларига малҳам ва ҳамдард бўлдилар.

Урушдан сўнгги тинч қурилиш, меҳнат, ижодий, илмий ишлар жаҳсида ҳам мардлик, фидойилик наму-

наларини намойён этган, эл назарига тушиб, ҳурмат-эътибор қозонган, айни кунларда давраларимизнинг фойизи ва кўрки бўлиб юрган, ҳалол меҳнатлари нашадасини шукроналик билан сураётган бу табар-

рук ота-онахонлар, кўзга кўринган олим, ажойиб ташкилотчи, қўли енгил ва моҳир шифокорлар жумласига Жалол Маъсумов, Карим Юсуфов, Абдуҳалил Жалилов, Абдулҳай Абдуллаев, Фахриддин Бобоҷонов, Сергей

Амбарҷумов, Мағруфа Фулова, Татьяна Ильина, Эсон Қосимҷўраев, Татьяна Позднюкова, Орифжон Маъдиев, Пулат Сирожев, Фаҳринисо Рамазонова, Анатоли Русс, Борис Соатов, Вали Тожиқонов, Сулаймон Халифаев, Усмон Соипов, Собиржон Иброҳимов ва яна кўпгаб кишиларни киритиш мумкин...

Бугунги учрашув қатнашчилари буюк соҳибқирон Амир Темур, Мотамсаро Она ҳайкали ҳамда институт боғидаги урушда ҳалок бўлган тиббиёт ходимлари хотирасига тикланган ёдгорлик пойга анвойи гуллар қўйдилар. Кейин институтнинг мажлислар залида мураббийлар, шифокорлар, талабалар билан учрашиб, оловли ёшлик, жанговар, машаққатли ҳаёт йўллари, кўрган-кечирганлари, хотиралари, орзу-тилаклари билан ўртоқлашдилар, ҳозирги тинч, осойишта кунларимизга шукроналар айтиб, мустакил давлатимиз раънақи, куч-қудратини мустаҳкамлаш ва ошириш йўлида ўзларининг ҳамон сафда эканлиқларини изҳор қилдилар.

Учрашувда 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Турғунпўлат Даминов республикамиз Олий Мажлисининг IX сессиясида Президентимиз Ислам Каримов нутқида илгари сурилган долзарб вазифалар, сессиясида қизгин муҳокама қилинган кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ва «Таълим ҳақида»ги Қонун ҳақида муфассал тўхтади, собиқ талабаларга эзгу тилақларини билдириб, улларга эсодлик совғалари топширди.

Искандар РАҲМОН.
СУРАТДА: учрашув қатнашчилари.

МАТБАА

ТЕХНИК АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компаниясининг ходимлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг муҳбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Р. Д. Матчонов раҳбарлиги остида қишлоқ хўжалик техникаси ва машинасозлигига оид янги русча-ўзбекча лугатни тайёрлаб, нашр этдилар. Лугат шу соҳага доир 5,5 мингта атамалар ва сўз бирикмаларини ўз ичига олган.

Лугат муаллифлари А. С. Усмонов ва Т. Т. Расулев ҳозир ўзбек тилида ишлатилаётган турли хил техник атамаларни маълум бир тизимга солиш ва уларни иложи борича бирхиллаштириш борасида анча иш қилганлар, сўз ва атамаларнинг энг мақбул ва замонавий турларини танлаганлар. Баъзи сўзларга қисқача изоҳ берилиб, улларнинг асосий маъноси тушунтирилган.

Лугат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси томонидан маъқулланди.

Янги лугат саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги муассасаларининг ходимлари, техник олий ўқув юртларининг талабалари ва умуман шу соҳага қизиқувчилар учун фойдали қўлланма бўла олади.

Темур ТУРСУНОВ.

НАЗМ

МЕНИНГ ЖОНИМ...

Ўйламангиз, унинг жони ўзида, деб,
Дунёларни кўриб турган кўзида, деб.

Жоним менинг хур-хур эсган шамолларда,
Савобли, жавобсиз кўп саволларда.

Кўш уяси — дарахтларнинг бўғида,
Киши билмас афсонавий Қоф тоғида.

Ришталари уланган Ой, юлдузларга,
Ва қоришиб кетган кеча-кундузларга.

Менинг жоним гўдакларнинг ўйқусида,
Баҳор қайтган турналарнинг қийқусида.

Кўк адирда — қўй-қўзилар майрашида,
Митти қушининг жаннатнаво сайрашида.

Жоним кезар Сирдарёнинг бўйларига,
Хатлар ёзган тортинчоқ қиз ўйларига.

Ў-ў ичимга сизга жоним гайратидан,
Ахли дилни лол қолдиран ҳайратидан.

Бешлар узра парвона — у учиб юрар,
Абри найсон — қарвон-қарвон кўчиб юрар.

Шундоқ, жоним еру кўкка мутлақ туташ,
Қир яноғи — қизғалдоқзор жоним оташ.

Пайдо бўлар шер, қоплонлар маконида,
Сайр этгайдир қакликларнинг ҳам қонида.

Ўлимлардан олиб қочай охуларни,
Сақлаб қола оламизми ох, улларни.

Шулар сабаб жон ҳовучлаб юргайдирман,
Неки мавжуд, жоним каби кўргайдирман.

Жоним баъзан шарбатларга бўлиб тургай,
Ютуми зўр, жонон шароб бўлиб тургай.

Сипқорингиз, дўстлар, уни имкон қадар,
На-да имкон, жаҳон қадар ва жон қадар.

Шоҳ байтлари қул Аҳмаднинг дилидадир,
Инжулари Навоийнинг тилидадир.

Жоним менинг шу тупроқ, шу маъданларда,
Беш оғайни — беш азамат ватанларда.

Кўкчатовда, Олатовда, Керкидадир,
Менинг жоним Буюк Турон эркидадир.

Ортик ҚИЛИЧ.

ЛУҒМА

ТУРТА ЙИГИРМА ВА БИТТА УН

Пойтахтимиз борган сари обод бўлиб, шаҳар ичида қатновчи троллейбус ва автобуслар халқимиз узоғини яқин қилмоқда. Бундан биз хурсандимиз.

Лекин 10-троллейбус хизмати ҳақида бундай дея олмаيمиз. Маълумки, бу троллейбус Темир йўл вокзали билан 1/2-Қорақамчи даҳаси оралиғида қатнайди. Бекатларда эса 10-троллейбусни соатлаб кутасиз. Менинг ўзим шунинг гувоҳи бўлдим. Бекатда турган бир соат ичида тўртта 20-, учта 18-троллейбус ўтди. 10-троллейбус-чи, деб сўрарсиз. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бир соат мобайнида шу йўналишда қатновчи 10-троллейбусдан битта ўтди, ҳолос.

Бекатларда 10-троллейбусни соатлаб кутаверамизми?

Абдупаттоҳ ҲОҶИ
НАБИҲУҶАЕВ,
кекса журналист.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

КАМЧИЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 20 август сонидидаги мақолада шахримизда эълон қилинган ободонлаштириш, санитар тозаликни таъминлаш ойлиғида айрим корхоналар, ўқув масканлари қатори Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг атрофи тозаланмай, ёмон аҳволда эканлиги шаҳар штабининг Миробод туманидаги сайёр йиғилишида танқид қилингани айтилган эди. Газетанинг шу танқидий чиқишига Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг ректори С. М. Жумабоев имзоси билан жавоб мактуби олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1997 йил 20 август сонидида эълон қилинган «Ойлик яқунланмоқда» сарлавҳасида остида чоп этилган мақолада айрим ободонлаштириш ва санитар тозаликни таъминлаш ишларида йўл қўйилган камчиликларни Тошкент темир йўл муҳандислари институти раҳбарияти тўғри деб тан олади. Бу камчиликларни бартараф қилиш учун биринчи қурсга қабул қилинган талабалар рўйхати тасдиқланган 1 сентябрда қадар 350 нафар талаба обо-

донлаштириш ишларига қалб тасининг 1997 йил 20 август сонидида эълон қилинган «Ойлик яқунланмоқда» сарлавҳасида остида чоп этилган мақолада айрим ободонлаштириш ва санитар тозаликни таъминлаш ишларида йўл қўйилган камчиликларни Тошкент темир йўл муҳандислари институти раҳбарияти тўғри деб тан олади. Бу камчиликларни бартараф қилиш учун биринчи қурсга қабул қилинган талабалар рўйхати тасдиқланган 1 сентябрда қадар 350 нафар талаба обо-

Яхшилиқни фан қил, эй
яхши одам,
Яхшилиқ фанидан топсанг
карам...
Сабр ила агар топсанг
яхши ном.
Яхши номдан топар инсон
сарангом.
Абдурахмон ЖОМИЙ.
Хар ким аён этса яхши
қилиқ етар
Етар яхшиликдан анга
яхшилик.
Агар яхшилиқ кимга афтолдир.
Жазоси анинг ганжи иқболдур.
Алишер НАВОИЙ.

ИНСОН ЮЗИГА ЗИЙНАТДУР

Яхшилар кетидан агар
чопарсан,
Истагинг, бахтингни шунда
топарсан.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.
Бори элга яхшилиқ,
қилгилки мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро
қолди фалондин яхшилиқ.
БОБУР.
Асра кўнглингни ёмон фёлдин,
яхшилиқ эт,

Ҳикматлар
Ким қилур кўрганини элга
намоён кўзгу.
Мунис ХОРАЗМИЙ.
Асл, соф кишилар иши —
яхшилиқ.
Вафо бирла халққа қилар
яхшилиқ.
Тубан, пастлар иши
вафосиз, жафо,
Агарчи едиргай шакар ҳам илик.
Юсуф Хос ҲОЖИБ.

Ким гар яхшидур меҳнатидан
қочмагил.
Ёмондур агар нақдни
сочмагил.
ХИРОМИЙ.
Жаҳонда яхшилиқ инсон
юзига зийнатдур.
Набот берса заққум бил,
бари ёмондин кеч.
ДИЛШОД.
Тўпловчи: Фахриддин
НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон халқ таълими
аълочиси.




Алишер Навоийнинг бир ҳикматли сўзи бор. Унинг маъноси бундай: «Кўёшини нури барчага баробар бўлса ҳам саҳрода тикану бўстонда сарву гул битади». Бу чуқур маъноли сўзлар, бошқа касб соҳиблари қатори, ижод ахли тўғрисида ҳам айтилган бўлса ажаб эмас.

XX аср ўзбек адабиётининг турли даврларига назар ташлар эканмиз, қанчадан-қанча қалам аҳлининг ижод майдонига кириб чиққанини кўрамиз. Уларнинг аксари аллақачон китобхон хотирасидан ўчиб кетган. Фақат ўлмас асарлар яратган, адабиётимиз тараққиётига муҳим ҳисса қўшган чинакам истеъдод эгаларига тарихда бир умрга қолганлар. Ана шундай бахтли ижодкорлар қаторида бугун таваллудининг 90 йиллиги нишонланаётган Абдулла Қаҳҳор ҳам бор.

Абдулла Қаҳҳорнинг 90 йиллигига

АДИБ САБОҚЛАРИ



У адабиётга, ўзи айтмоқчи, «ўртадан паст маълумот билан», биронта ҳам китоб ўқимасдан кирган. Лекин у табиат берган тўлма истеъдод билан кифояланиб қолмай, конга ўхшаш «ернинг қаврида бўладиган» истеъдодни рўбга чиқариш учун тинмай тер тўккан. Натижада унинг бўстониди, Навоий айтганидек, сарву гуллар битган.

Абдулла Қаҳҳор олтинчи бир йиллик ҳаёти давомида икки роман, бешта қисса, яна шунча пьеса ва саксонга яқин ҳикоя ёзган. У ўз кўли билан тартиб берган олти жиллик «Асарлар»ига эса ана шу саксонга яқин ҳикоядан атиги 26 тасини киритган. «Бўйи баравар китоб ёзган» бошқа ёзувчилар билан қиёсалганда, ундан қолган мерос у қадар катта эмас. Лекин шунга қарамай, Абдулла Қаҳҳорнинг XX аср ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни ниҳоятда улкандир.

Абдулла Қаҳҳор мансуб адабий авлод зиммасига мумтоз адабиётимиз анъаналарини янги тарихий шароитда давом эттириш билан бирга бошқа халқларнинг адабий тажрибаларидан истифода этиш ва шу таразда ўзбек адабиётини янги шакл ва услублар билан бойитиш вазифаси оқталган эди. Гарчанд бу вазифани бахариш ишини Бехбудий, Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари жалид адабиёти намоёндалари бошлаб берган бўлсалар-да, уни Абдулла Қаҳҳор авлоди маълум даражада яқунлашга эришди.

1936 йили адибнинг илк йирик асари — «Сароб» романи республика тилловидида ютиб чиққан, муаллифга берилган мукофот жумласига собиқ совет мамлакатга бўйлаб саёҳат ҳам кирган. Абдулла Қаҳҳор Москва сафаридан олти яшиқ китоб билан қайтган. Ана шу китоблар орасида Чеховнинг йигирма икки жиллик асарлари ҳам бўлган. Адибнинг ёзишича, у қисқа муддатда ана шу асарларни мутлола қилиб, ўрганиб чиққан. «Бунинг натижаси, — деб ёзган эди у, — жуда тез кўринди. Шундан кейин ёзган ҳикояларим олдинги ёзган ҳикояларимдан жуда катта фарқ қилиб, танқиднинг баҳосига кўра, бу ҳикояларда «ёрқин чизилган образлар» пайдо бўлди».

Абдулла Қаҳҳор Чеховдан кейин

Толстой асарларини, ундан кейин эса Фарб адабиётини симирди. У гарчанд болалик кезларида «Далла ва Мухтор», «Баҳори дониш», «Бобо Равшан» сингари халқ китоблари билан танишган, йигитлик фаслида эса Абдулла Қодирий романларини мижжа қоқмай ўқиган бўлса ҳам унинг ижоди Фарб ёзувчилари ва биринчи навбатда Чехов таъсирида шаклланди. Ҳамма нарсани ўз рангида кўриш, ҳаёт ҳодисалари ва инсон сажияси замиридаги маънони пайқаш, воқеликни таҳлил қилиш даражасига кўтарилган Абдулла Қаҳҳор 30-йилларнинг иккинчи ярми-

дан илҳомланиши, асарини мана шу илҳом, кучли эҳтирос билан ёзиши керак. Ушанда ёзувчи халқнинг тили учуда турган гапни айтади, халқ дилининг таржимони бўлади», деган. Агар Абдулла Қаҳҳорнинг «Бемор», «Ғри», «Даҳшат» сингари ҳикоялари, «Тобутдан товуш» сингари комедияларига назар ташласак, унинг шу асарларда халқ дилининг таржимони мақомига эришганига ишонч ҳосил қиламиз.

Абдулла Қаҳҳор ижодининг мароқли томонларидан яна бири шундаки, у турмушда рўй берган ҳодисаларни кузатиш, кишиларнинг турли ҳолатдаги кайфияти ва кўринишини ўз хотирасига муҳрлаш илимини эгаллаган ижодкор эди. У турмушни мушоҳада қилиш жараёнида ҳамма нарсага, биринчи навбатда тилга катта эътибор берган. Унинг асарлари энг аввало, тили, лисоний бойлиги ва жозибаси билан китобхонни мафтун этади. Бу асарлардаги сўз уйинлари, ҳазил-мутуий-балалар, теша тегмаган ифодалар фаввора ўларок отилиб туради. Абдулла Қаҳҳорнинг ёзувчи сифатидаги кучи ва ўзига хослиги энг аввало асарларнинг тили билан белгиланади. Шу маънода Абдулла Қаҳҳор ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишига катта ҳисса қўшган ёзувчидир.


Шу нарса диққат-эътиборга сазоворки, Абдулла Қаҳҳор ўзбек тилининг XX аср воқелигида пайдо бўлган янги тушунча ва тасаввурларни, кишиларнинг турфа қиёфаси, хатти-ҳаракати ва ички дунёси манзараларини ифодалай олувчи тилга айланганда, айрим қаламқаш замондошларидек, русча-байналмилалча сўзлардан фойдаланмади. У ўзбек тилининг софлиги ва гўзаллигини сақлаган, унинг имкониятларидан ўринли ва мақсадли фойдаланган ҳолда янги, замонавий адабий тилимизнинг пайдо бўлишида фаол иштирок этди. У тилинг гўзаллигига эришишда жимжимдорликдан қочди, манзара тасвирига берилмади, чиройли ташбеҳ ва рангин ифодаларга учмади. Унинг асарларидаги муаллиф тили ҳам, қахрамонлар тили ҳам табиийлиги билан, масала моҳиятини аниқ ифодалаши билан гўзалдир.

«Санъат асари, — деб ёзган эди адиб, — чакмоқ, мушак сингари лаҳзани обод қиладиган умри қисқа, мағзи пуч гўзаллик эмас, балки абадийлиги беэйдиган, умри боқий ва мағзи тўқ гўзалликдир... Қоронги кечада отилган мушак ҳам гўзал, кўёшга қараб хандон ташлаб турган гул ҳам гўзал. Осмонда сочилиб кетган ранг-баранг олов ва оқий излар гўзаллиги кўзни қамаштирса ҳам пуч гўзаллик, шунинг учун бебақодир. Гулнинг гўзаллиги эса тўқ гўзаллик, чунки унинг бағрида ҳаёт бор, шунинг учун абадий гўзалликдир».

Абдулла Қаҳҳор ўз асарларида ана шу абадий гўзаллиқни муҳрлашга, гулнинг ва гунчанинг гўзаллигида мавжуд бўлган ҳаётни тасвирлашга уринди. Шунинг учун ҳам унинг энг яхши асарлари узоқ йиллар давомида авлодлар томонидан севиб ўқилажак.

Наим КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан аربоби.
СУРАТДА: Абдулла Қаҳҳор Дўрмондаги боғида.

Хусусан, аллергия, ба-
восил, ўткир бод (ревма-
тизм), полиартрит (туз
йегиллиши), ошқозон-ичак
яллиғланиши, сарик, зо-
тилжам каби дардларни-
нг шифобахш ўсимлик-
лардан тайёрланган до-
ривор туфайли энгиллаш-
гани ҳақида қўлимда
рилар тезкор таъсири
ҳамда захарсизлиги бил-
лан ажралиб туради.
Республикамиз Соғ-
лиқни сақлаш вазирли-
ги, фармакология идо-
раларида бу соҳага то-
бора жиддий аҳамият
берилаёпти. Ушбу маса-
лаларга бошқа тегишли
ташкilotлар, мутасадди
раҳбарлар, умуман кенг
жамоатчилик томонидан
ҳам алоҳида эътибор қи-
линса, қани эди!
Зеро, доривор гиёҳ-
ларни битмас-туганмас
ҳазинамиз сифатида қад-
рлашимиз лозим.
Моҳира КАРИМОВА
ёзиб олди.



**Бугунги кунда видео ки-
риб бормаган бирор маҳал-
ла ёки хонадоннинг ўзи
бўлмаса керак. Ҳўш, видео
нима ўзи, бугунги кун
одамлари, айниқса ёшлар
нима сабабдан ушбу кўн-
гилхушлик воситасига ру-
жу қўйишган?**

Видеотомошагоҳларни доимий макон қилиб олган ёки турли хилдаги видео кассеталар савдоси билан шуғулланаётганларнинг аксарият қисмини 16-25 ёшдаги йигитлар ташкил этади. Тўғри, ҳар ким ўз қизиқишига қараб иш юритиши мумкин. Бироқ мустақил ҳаётга эндигина қадам қўётган бу йигитчаларнинг маънавиятига, ахлоқ-одобига айрим видео кассеталардаги тасвирлар салбий таъсир этмайдими? Шу хусусда айрим ҳамшаҳарларимиз фикрини қозғаса туширдик.

• МУҲАББАТ, уй бекаси:
— Бир вақтлар видео дейиш-са ҳаммамиз ҳайратланар эдик. Эндиликда эса ҳатто уни уч-тўрт яшар болакайлар ҳам билишади. Ундаги турли хил бемаза фильмларни — «уриб кетди — суриб кетди»ларни кўрган 16-20 ёшдаги йигитлар «асар» қахрамонларига тақлид этиш ҳоллари ҳам бўлган. Аслида бизга видео-нинг бу хиллари ҳеч кераги йўқ, менимча. Чунки бир йигитни оёқ-қа турғазини учун 18-20 йил керак бўлади. Нимага энди бунча машаққат билан йигит ёшига етказган фарзандларимиз турли бўлмағур фильмлар таъсирига тушиши керак? Видео одамларнинг вақтини ҳамда оромини ўғирлайди, холос.



• Зарофат МИРМУҲАМЕДОВА, пенсонер:
— Кўпчиликнинг видеога қизиқадиган бўлиб қолишгани сабабларидан бири телевидение орқали яхши киноларнинг берилмаслигиди бўлса керак. Агарда ҳаётий театр ва фильмлар мунтазам бериб берилса, одамлар турли ҳаёсий видеоларни кўришдан ўзларини тортади, деб

15 тадан кассета сотилади. Аммо ҳаёсий видеоларни сотмайман. Чунки таққиланган кассеталарни сотганлар жавобгарликка тортилади.

• Нурулло ЖУМАНАЗАРОВ, 29 ёш, ҳайдовчи:
— Мен асли Қашқадарёданман. Тошкентга даволаниш учун келган эдим. Ҳозир шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам ҳар қадамда видеокассеталарни учратиш мумкин. Бу эса ўз-ўзидан одамларда ҳаёт пардасининг кўтарилишига сабаб бўлади. Янада ачинарлиси, шундай ота-оналар борки, улар фарзандлари билан ёнма-ён ўтириб ҳаёсий видеоларни томоша қиладилар. Шундан ота-оналарнинг тарбиясини олган болаларнинг ахлоқи қандай ҳам бўларди? Мен ҳаёсий фильмлар ёзилган кассеталар Россияга юк олиб борганлар томонидан олиб келинади, деб эшитаман. Уларнинг кассета олиб келишдан мақсадлари нима? Одамлар видео кўрмасин демоқчи эмасман, кўрсин, фақат маънавий озуқа берадиган кассеталарни томоша қилсалар яхши бўлар эди...
Сиз юқорида ҳамшаҳарларимизнинг видео хусусида билдирган фикр ва мулоҳазалари билан танишиб чиқдингиз. Ҳўш, сизнингча кейинги пайтларда одамларимиз ўртасида нима сабабдан видеога бўлган қизиқиб ортиб кетди? Ундан ким, қандай манфаат қўрмақда? Кимга фойдага кимга зиён етати? Умуман кўпгина кассеталар «видеоқорчилик» кўли билан кўпайиб кетганидан кўз юмиб бўладими? Ахир бизда муаллифлик ҳуқуқи, ақлий мулк дахлсизлиги тўғрисида қонулар қабул қилинган-ку! Бизнинг бу мавзулардаги мунозарамиз давом этади.
Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Юртимизда мавжуд халқ таботати илдизлари гоят теран ва бебаҳодир. Заминимиз нечача хил доривор ўсимликларга, шифобахш гиёҳларга бой.

Абу Али ибн Сино, Закариё ар-Розий каби улғу ҳақимлар айнан шу ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрлаб, одамларни турли дардлардан халос этишган, ҳозир табиб, ўткир аллома сифатида шуҳрат қозонишган. Ҳозирги кунга қадар улар томонидан битилган асарлар, мағрибу машриқда табибёт таълими дастурига киритилиб, чуқур ўрганилаётгани бежиз эмас. Лекин ҳозир ўзимизда ўсадиган ўсимликлар дориворлигидан етарлича фойдаланилмай, халқимизнинг бу борадаги улкан тажрибаси амалиётда кенг қўлланилмайпти? Шу каби саволларга табибёт ходими, гиёҳшунос Саттор Носиров қуйидагича жавоб берди:

— 1950 йилдан бери табибёт соҳасида ишлашман. 1976 йилдан бошлаб халқ таботатиға қизиқишим кучайганлиги

ҲАР ГИЁҲ — ДОРИВОР

боис шифобахш гиёҳларни, уларнинг дориворлик хусусиятларини ўрганишга киришганман.
Юқорида номлари зикр этилган улғу ҳақимларнинг асарларидан, доривор гиёҳлар бўйича битилган замонавий тадқиқотлардан фойдаланиб, баъзи дориворларни амалиётда ҳам қўллаб келаман. Натижалар чакки эмас.

аниқ, ишончли маълумотлар бор. Умуман, халқимиз орасида ҳам кўпгина касалликларни ўсимликлар ёрдамида даволаш борасида анъанавий, асарлардан бери шаклланган, бой тажрибалар мавжуд.
Ҳозирги кунда шу меросни янада чуқурроқ ўрганиш, керакли маълумотларни йиғиб бориб,



«Ўзбектуризм» миллий компанияси биносида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германиянинг «Фрезениус Медикал Кеа» фирмаси ташаббуси билан «Қон тозалашнинг экстракорпорал усуллари ва трансплантология» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Россия, Украина, Қозғоғистон давлатларидан ҳам муттаҳассислар иштирок этишди.

— Бугунги кунда жаҳон илмий табибётининг инсон саломатлигини муҳофаза қилишда юксак натижаларга эришмоқда, — дейди «Фре-

зиб боришлари, етакчи фирма ва корпорациялар билан ҳамкорлик қилишлариға имконият туғилди. Бундай ҳамкорликлар умумий
АНЖУМАНЛАР
УМУМИЙ МАНФААТЛАР УЧУН
зениус Медикал Кеа» фирмаси вакили жаноб Роними. — Бундан бир неча йил муқаддам одам аъзоларини кўчириб ўтказиш афсонадай гап эди. Ҳозирда бу борада кўплай жарроҳлик операциялари муваффақиятли ўтказилмоқда. Юртингиз мустақилликка эришган, ўзбекистонлик шифокорларнинг жаҳон табибёти янгиликлари билан тани-
манфаатлар учун хизмат қилади. Чунки сизнинг шифокорлардан ҳам ўрганилганларимиз бор. Бугун ушбу анжуманда «атитта маъруза билан келдик. Улар асосан бўйрак ва жигар хасталиқларини даволашдаги муложалар, қонни тозалашдаги энг замонавий табибий усуллар мавзусидадир.
Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

Бош муҳаррир ЭРКИН ЭРНАЗАРОВ

